

*Хужамурадов Аброрбек Рўзимурат ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси*

*Банк-Молия академияси*

*Солиқлар ва солиққа тортиш йўналиши Магистратураси тингловчиси*

**Аннотация:** Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади. Шу сабабли, солиқ маъмурчилиги юзасидан ишлаб чиқилаётган қонунчилигидаги ўзгаришларнинг солиқ тўловчилар учун тушунарли бўлишини таъминлаш ва солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот бўйича солиқ маъмурчилиги таҳлил этилиб таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Солиқ маъмурчилиги, Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси, солиш тизимини соддалаштириш, ахборот хизматлари.

“Солиқ маъмурчилиги”-солиқ органлари умумий фаолиятини ташкил этиш ва бошқарув тизими бўлиб, у солиқ органларида қонун томонидан кўзда тутилган функцияларни бажарилишини таъминлайди.<sup>1</sup>

Н.З. Зотиков илмий ишларида солиқ маъмуриятчилигига таъриф бериш билан биргаликда, унинг предмети ва объектига ҳам аниқлик киритган. Солиқ маъмуриятчилиги – бу давлатда солиқ муносабатларини бошқариш тизими бўлиб, солиқ органларининг фаолияти асосида ишлайди. Солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назорат сўзининг тор маъноси солиқ маъмуриятчилигини англатади. Солиқ маъмуриятчилигининг предмети – давлат солиқ сиёсати

<sup>1</sup> Қ.Т.Базаров “Солиқ маъмурчилиги” Дарслик <https://ebook.tsue.uz/public/ebooks/soliq-ma-murchiligi>  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

таъсирида субъектлар (солиқ органлари, солиқ тўловчилар) томонидан бошқарувнинг ҳуқуқий усуллари ёрдамида амалга ошириладиган солиқ муносабатлари. Солиқ маъмуриятчилигининг объекти – солиқ органларининг фаолияти ва солиқлар ва йиғимларнинг давлат томонидан белгиланган тизими ҳисобланади.<sup>2</sup>

Солиққа оид қонунлардаги муаммоларнинг кўп учраши, яъни солиқ қонунлари кўпинча мураккаб ва ҳатто мутахассислар учун ҳам тушуниш қийин бўлиши мумкин. Солиқ қонунлари мураккаб бўлиши солиқ тўловчилар ва солиқ органлари учун уларни тўғри тушуниш ва талқин қилиш қийин бўлиши мумкин. Натижада солиқ тўловчилар ва солиқ ходимлари ўртасида чалкашликларга олиб келиши, ҳатто солиқ маъмуриятчилиги жараёнларида хатолар ва кечикишлар юзага келишига олиб келади, бу эса солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигига путур етказишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 10-йилдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарори билан Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Ушбу Қарорга кўра 2020-йил 1-январдан бошлаб қўшилган қиймат солиқ тўловчилар томонидан ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғининг асосий шартлари ва қўшилган қиймат солиғига ўтиш тартиби белгиланган.

Шунингдек ушбу қарор билан Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси ишлаб чиқилиб ушбу стратегия иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар

---

<sup>2</sup> Н.З. Зотиков. Налоговое администрирование, его влияние на налоговую нагрузку. Вестник Сургутского государственного университета. 2022;(1 (35)):26-37. <https://doi.org/10.34822/2312-3419-2022-1-26-37>.  
[www.tadqiqotlar.uz](http://www.tadqiqotlar.uz)

яратиш, шунингдек, солиқ солиш жараёнларини автоматлаштирган ҳолда, давлат солиқ органларида замонавий йўналтирилган сервис солиқ хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки солиқ маъмурчилигидаги қонунларнинг содда ҳамда бўшлиқлар қолдирмасдан, солиқ тўловчилар учун ҳам тушунарли, содда тарзда ишлаб чиқилиши солиқлар унумдорлиги ва солиқ тўловчилар томонидан ўз олдида турган вазифаларни оғишмасдан бажариш имконини беради.

Шунингдек солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришнинг яна муҳим йўналишларидан бири бўлиб бу солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган мавжуд хизматлар сифатини оширган ҳолда янги солиқ хизматларини жорий этиш орқали солиқлар йиғилувчанлигини, солиқ тўловчилар томонидан солиқлар тўғри ҳисобланиши, солиқларни ҳисоблашда хатоликка йўл қўймаслик ва солиқ тўлашдан қочиш каби ҳолатларни олдини олиш учун солиққа тортиладиган база автоматлаштирилишини йўлга қўйган ҳолда биринчи навбатда қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ва ресурс солиқларида тўлиқ қамраб олиш орқали солиқ базасини ошириш мумкин.

Бундан ташқари солиқ маъмурчилиги ва солиқлар йиғилувчанлигини янада такомиллаштириш усулларида бири бу интернет, теливиденя ва радио орқали қонунчиликдаги ва солиқларни ҳисоблашдаги (ҳисобот шакиллари бўйича) ўзгаришлар бўйича элон қилиб бориш ва наъмуна ҳисоботларини жойлаштириш орқали солиқ тўловчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириб солиқлар йиғилувчанлигини ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 11-июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон.
3. Н.З. Зотиков. Налоговое администрирование, его влияние на налоговую нагрузку. Вестник Сургутского государственного университета. 2022;(1 (35)):26-37. <https://doi.org/10.34822/2312-3419-2022-1-26-37>.
4. Интернет сайтлари: [www.lex.uz](http://www.lex.uz), [www.norma.uz](http://www.norma.uz), [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).